




New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X
EISSN 2181-2187

2 (34/2) 2021

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ,
А. АБДУМАЖИДОВ,
М.М. АКБАРОВ,
Х.А. АКИЛОВ,
М.М. АЛИЕВ,
С.Ж. АМИНОВ,
Ш.М. АХМЕДОВ,
Ю.М. АХМЕДОВ,
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор),
Б.Т. БУЗРУКОВ,
Е.А. БЕРДИЕВ,
Р.К. ДАДАБАЕВА,
М.Н. ДАМИНОВА,
К.А. ДЕХКАНОВ,
А.А. ДЖАЛИЛОВ,
Э.С. ДЖУМАБАЕВ,
С. ИНДАМИНОВ,
А.И. ИСКАНДАРОВ,
С.И. ИСМОИЛОВ,
Э.Э. КОБИЛОВ,
Т.С. МУСАЕВ,
Ф.Г. НАЗИРОВ,
Н.А. НУРАЛИЕВ,
Ш.Э. ОМОНОВ,
Б.Т. РАХИМОВ,
Ш.И.РУЗИЕВ,
И.А. САТВАЛДИЕВА,
Ш.Т. САЛИМОВ,
Ж.Б. САТТАРОВ,
Б.Б. САФОЕВ (отв. секретарь),
Б.Т. ТАДЖИЕВ,
ДИ. ТУКСАНОВА,
А.Ж. ХАМРАЕВ,
А.М. ШАМСИЕВ,
А.К. ШАДМАНОВ,
К.Б. ШОДМАНОВ,
Н.Х. ШОМИРЗАЕВ,
Б.Б. ЭРГАШЕВ,
Н.Ш. ЭРГАШЕВ,
И.Р. ЮЛДАШОВ,
М.Ш. ХАКИМОВ,
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
ДОНГ ЖИНЧЭНГ (Китай)
В.Е. КУЗАКОВ (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Белоруссия)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПАТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЁГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN
MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

2 (34/2)

2021

апрель - июнь



**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН МИНИСТЕРСТВО ИННОВАЦИОННОГО
РАЗВИТИЯ ФЕРГАНСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ОБЩЕСТВЕННОГО ЗДОРОВЬЯ**

ПРОГРАММА

Международной научно-практической конференции на тему

**ДОСТИЖЕНИЯ СОВРЕМЕННОЙ МЕДИЦИНЫ В ИЗУЧЕНИИ
ЭПИДЕМИОЛОГИИ ИНФЕКЦИОННЫХ БОЛЕЗНЕЙ**



Онлайн Конференция

10-06-2021

12:00



г.Фергана

10.06.2021 куни soat 12:00да Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида Азарбайжон тиббиёт университети ва Курск давлат тиббиёт университети хамкорлигида "Замонавий тиббиётнинг юкумли касалликлар эпидемиялогиясини ўрганишдаги ютуқлари" мавзусида халқаро илмий амалий анжуман бўлиб ўтди.

МУНДАРИЖА * CONTENTS * СОДЕРЖАНИЕ

SCIENTIFIC-THEORETICAL MEDICINE

<i>Tilavberdiev Sh.A., Madaminov F.A.</i> COVID-19 ASSOCIATED INVASIVE PULMONARY ASPERGILLOSIS, DIAGNOSTIC AND THERAPEUTIC PROBLEMS.....5	<i>Babadjanova Xursanoy Melibayevna, Rayimova Zulfiyakxon Maxamatjonovna</i> THE URGENCY OF INTRODUCING THE SERVICE OF COMPLEX EARLY INTERVENTION IN FAMILY CLINICS.....54
<i>Madaminov S.M., Botirov M.T., Madaminov A.S.</i> EFFICIENCY OF APPLICATION OF INNOVATIVE BIOMECHANICAL ORTHOPEDIC INSTRUMENTS IN THE PATHOLOGY OF THE BONE-JOINT SYSTEM.....13	<i>Ashurova M. Dj., Abdullaeva U. Y., Yakubova M.</i> INFLUENCE OF THE RISK FACTORS COMPLEX ON THE HEALTH STATE OF WORKERS.....67
<i>Ismailova S.T.</i> SEMANTIC FEATURES OF MODERN MEDICAL TERMINOLOGY.....17	<i>Ashurova M. J., Abdullaeva U. Y., Jalolov J.o I., Alijonov A. A.</i> PSYCHOLOGY OF THE RELATIONSHIP OF THE DOCTOR AND THE PATIENT.....71
<i>Mamarizaev Kh. O., Isakov E. Z.</i> CURRENT STATE AND MAIN TRENDS OF POPULATION MORTALITY IN THE FERGHANA REGION.....22	<i>Ruzmatova K. K., Ashurova M. Dj., Ashurova M. Dj.</i> REPRODUCTIVE HEALTH PROBLEMS OF ADOLESCENTS AND WOMEN OF FERTILE AGE.....76
<i>Azimova M.K.</i> THE IMPACT OF ENVIRONMENTAL FACTORS ON WOMEN'S REPRODUCTIVE HEALTH.....30	<i>Turdiyev Sh.M., Khashirbaeva D.M.</i> HYGIENIC ASSESSMENT OF WORKING CONDITIONS AND INFLUENCE ON THE STATE OF OPERATING GREENHOUSE FARMS IN FERGANA REGION.....81
<i>Boynazarov A.A.</i> CLINICAL CURRENT AND EARLY DIAGNOSTICS OF MEDIUM SEVERITY OUTHOSPITAL PNEUMONIA IN CHILDREN.....33	<i>U.A. Teshaboev, M. Sh. Yusupova, Sh.R. Umaraliev</i> COMPLIANCE WITH THE REGIME OF THE DAY IS THE BASIS OF A HEALTHY LIFESTYLE.....84
<i>Bobojonov S. S.</i> PREVALENCE OF COMORBID PATHOLOGY IN PATIENTS WITH ACUTE MYOCARDIAL INFARCTION.....37	<i>I.F. Shamara</i> ONE OF THE ASPECTS OF TEACHING ACADEMIC ENGLISH: WORDS LINKING IDEAS IN THE SCIENTIFIC DISCOURSE.....88
<i>Georgieva I.I.</i> INCIDENCE OF SCHIZOPHRENIA IN THE KURSK REGION FOR 2016-2020 YEARS.....43	<i>Ermatov N.J., Yusufov N.I., Abdullaeva O.Ya., Mirzaeva X.X.</i> STUDYING THE INFLUENCE OF SCHOOL ENVIRONMENTAL FACTORS ON STUDENT HEALTH.....90
<i>Zulunova G.K., Khamidov G.K.</i> RATIONAL USE AND PROTECTION OF NATURAL RESOURCES OF NATURAL RESOURCES OF MEDICINAL PLANTS CROCUS ALATAVICUS L.....47	<i>S. A. Sharipova, N. O. Akhmadaliev, A. A. Rustamov</i> HYGIENIC ASSESSMENT OF MICROCLIMATE INDICATORS AT PLASTIC PRODUCTS PRODUCTION PLANT "KN PLASTPRODUKT".....93
<i>Saidova S.A., Saydullaeva K.M., Yusupova M.Sh.</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA QISHLOQ VA SHAHAR AHOLISINI SUVDAN FOYDALANISHNI OPTIMALLASHTIRISH USULLARI VA GIGIENIK BAHOLASH.....51	<i>Mal G.S., Boldina N.V.</i> THE ROLE OF MODERN INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE QUALITY OF HEALTH EDUCATION.....98

Мақолалардаги маълумотлар учун муаллиф ва бош муҳаррир масъул.

Таҳририят фикри муаллифлар фикри билан муносиб бўлмаслиги мумкин.

Барча муаллифлик ҳуқуқлари химояланган.

Барча маълумотлар таҳририят ёзма рухсатисиз чоп этилмайди.

Масъул муҳаррир: Сафоев Б.Б.
Бадий муҳаррир: Пулатов С.М.
Таржимон: Файбуллаев С.С.

Теришга берилди 20.06.2021 й.
Босишга рухсат этилди 30.06.2021 й.

Бичими 60×84 1/8
Шартли босма табоғи 47,0.
Офсет қоғозида чоп этилди.
Адади 100 нусха.
27-буюртма.

«HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO'JIZASI»
босмахонасида чоп этилди. 100000.
Тошкент, А.Темур кўчаси, 60 А.

«Тиббиётда янги кун» тиббиёт
журнали таҳририяти,
Тошкент ш., 100011,
Навоий кўчаси, 30-уй,
тел.: +99890 8061882,
e-mail: ndmuz@mail.ru

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 16 февралда
рўйхатга олинган (03-084-сонли гу-
воҳнома).
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи 7048.

© «Тиббиётда янги кун» МЧЖ, 2021

<i>Norqulov S.D., Maqsudova Z.S., Abidov A.B., Nazirov Sh.A.</i>	
EDUCATION OF STUDENTS IS THE MOST IMPORTANT FACTOR PROMOTING THE FURTHER DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY IN UZBEKISTAN.....	101
<i>Abdullayeva O. Y., Mamadjonova O. H.</i>	
CHRONIC DISEASE OF AGE AND GENDER - BRONCHIAL ASTHMA.....	104
<i>U.Sh.Maxamatov1, M.A.Xabibullayeva</i>	
LEGAL MEASURES AND MEASURES TO PREVENT ATMOSPHERE AIR POLLUTION IN UZBEKISTAN.....	108
<i>Boynazarov A.A., Saidullaeva K.M.</i>	
CLINICAL CURRENT AND EARLY DIAGNOSTICS OF MEDIUM SEVERITY OUT-OF-SOCIAL PNEUMONIA CHILDREN.....	113

<i>Savastyuk Anton Evgenievich</i>	
MORPHOMETRIC AND TOPOGRAPHIC CHARACTERISTICS OF THE WORM PROCESS DURING USE IN CHILDREN.....	119
<i>Pattakhova Malika Khusanovna</i>	
STUDYING THE FOOD STATUS OF PATIENTS WITH CHRONIC LIVER DISEASES.....	123
<i>Sidiqov Bobirjon Tursinali o'g'li, Ashurova Manzura Djaloldinovna</i>	
REPRODUCTIVE HEALTH PROBLEMS OF ADOLESCENTS AND WOMEN OF FERTILE AGE...	128

THESES

First page.....	133
Last page.....	271

РИНОСИНУСИТЛИ БЕМОРЛАРДА $IL1\beta$ (C3953T) ГЕН АЛЛЕЛИ ВА ПОЛИМОРФИЗМ ГЕНОТИПЛАРИ ТАРҚАЛИШ ЧАСТОТАСИНING ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ ВА УШБУ ПАТОЛОГИЯНИ РИВОЖЛАНИШИДА УЛАРНИНГ РОЛИНИ БАҲОЛАШ

Ярмухамедова Н.Ф. Тошкент тиббиёт академияси ЛОР ва стоматология кафедраси ассистенти,
Маткаримова Д.С. ТТА Гематология кафедраси доценти,
Бакиева Ш.Х. ТТА ЛОР ва стоматология кафедраси профессори,
Саломова Ф.И. ТТА Атроф муҳит гигиенаси кафедраси мудир,

Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон

Маълумки, риносинусит (РС) бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари шиллик қаватларининг яллиғланиш касаллиги бўлиб, уни шаклланиши иммун тизим бошқарувининг бузилиши, жумладан, унинг шиллик қаватида мавжуд бўлган антигенларга қарши жавобига боғлиқдир. Замонавий адабиётларда РСнинг шаклланишида генетик омилларнинг роли тобора кўпроқ ўз тасдиғини топмоқда. Кўп ҳолларда РСнинг ривожланиши ва асоратларини белгилаб берувчи, касалликнинг кечиши ва жараённинг сурункали шаклга ўтишига таъсир этувчи асосий молекуляр- генетик омил сифатида яллиғланиш олди цитокин генлари кўриб чиқилмоқда.

Ушбу тадқиқотлар РС билан асоратланган сурункали миелолейкозли (СМЛ) асосий 1 –чи гуруҳга киритилган беморлар ($n=65$) (1А кичик гуруҳи - ўткир РСли СМЛли беморлар ($n=31$) ва 1Б кичик гуруҳи -сурункали риносинуситли СМЛли беморлар ($n=34$)), 2-гуруҳ СМЛсиз РСли беморлар ($n=35$), ҳамда шартли –соғлом шахслардан ташкил топган 68 нафар назорат гуруҳ беморлар орасида олиб борилди.

$IL1\beta$ (C3953T) ген полиморфизмининг генотипик частотасининг тақсимланишини баҳолаш натижалари, назорат гуруҳидаги ва РСли СМЛли беморларининг биринчи асосий гуруҳида $IL1\beta$ (C3953T) ген полиморфизмининг генотипларини кутилаётган ва кузатилаётган частотаси Харди – Вайнберг мувозанатига (ХВМ) тўлиқ мос келишини кўрсатди. Шу билан бирга, асосий ва назорат гуруҳларида кутилаётган частотадан кузатилаётганининг нисбий силжишини тавсифловчи гетерозигот индекси (D) мос ҳолда -0.25 ва -0.07 га тенг бўлган салбий силжишларга эга бўлди. РСли 2-гуруҳ беморларида $IL1\beta$ (C3953T) ген полиморфизми бўйича генотипларнинг кутилаётган ва кузатилаётган частотасини баҳолаш гетерозигота (D) ХВМ бўйича (C/C - 0.57 ва 0.55 ; $\chi^2=0.07$), C/T - 0.34 ва 0.38 ; $\chi^2=0.40$ ва T/T - 0.09 ва 0.07 ; $\chi^2=0.58$ генотиплари учун) назорат гуруҳига мослигини кўрсатди (-0.1 га қарши - 0.07)

$IL1\beta$ (C3953T) ген полиморфизми алелл ва генотиплари тақсимланиш улушининг таҳлили, ўрганилган гуруҳларнинг барчасида баъзи ўзига хосликлар мавжудлигини кўрсатди. Агар назорат гуруҳида С ва Т алеллари частотаси $81,6\%$ ва $18,4\%$ ни ташкил этган бўлса, РСли СМЛли беморларининг 1-чи асосий гуруҳида, уларнинг улуши $77,7\%$ ва $22,3\%$ ни ташкил этди. Шу билан бир вақтда назорат гуруҳида C/C, C/T ва T/T генотипларининг частотаси $67,7\%$, $27,9\%$ ва $4,4\%$ ҳолатни ташкил этган бўлса, РСли СМЛли беморларининг 1-чи асосий гуруҳида улар мос равишда $64,6\%$, $26,2\%$ ва $9,2\%$ ҳолатларда аниқланади. Ушбу ўзига хосликлари билан бир қаторда, ўткир ва сурункали РСли СМЛ беморларининг 1А ва 1Б кичик гуруҳларида $IL1\beta$ (C3953T) ген полиморфизми бўйича алелл ва генотипларнинг тақсимланишини С ва Т алеллари бўйича $75,8\%$ ва $24,2\%$ ҳамда $79,4\%$ и $20,6\%$ ҳолатларда қайд этилди. Шу билан бирга, ўрганилган кичик гуруҳлардаги C/C, C/T ва T/T генотиплари учун улушлар частотаси $64,5\%$, $22,6\%$ ва $12,9\%$, шунингдек мос ҳолда $64,7\%$, $29,4\%$ ва $5,9\%$ ҳолатларда қайд этилди. Бундан ташқари, $IL1\beta$ (C3953T) ген полиморфизми бўйича РСли беморларнинг 2-гуруҳидаги алелл ва генотиплар частотасининг улуши, РСли СМЛли беморларнинг биринчи асосий гуруҳидаги уларнинг улушидан фарқ қилади. С ва Т алеллари $74,3\%$ ва $25,7\%$ беморларда, C/C, C/T ва T/T генотиплари эса мос ҳолда $57,1\%$, $34,3\%$ ва $8,6\%$ беморларда аниқланди. Шунингдек, Т/Т мутант генотипи барча ўрганилган гуруҳларда аниқланди, аммо шунга қарамай уларнинг катта частотаси ўткир РСли СМЛли беморлари 1А кичик гуруҳида ($12,9\%$ на қарши $4,4\%$ назоратда) ва РСли 2-гуруҳ беморларида ($8,6\%$ га қарши $4,4\%$ назоратда) қайд этилди. Шундай қилиб, назорат гуруҳи билан солиштирилганда РСли биринчи гуруҳ беморларида ҳам, иккинчи гуруҳ беморларида ҳам C/T ва T/T нохуш генлари, шунингдек Т функционал нохуш алеллини ташувчисининг юқори улуши, РСнинг ривожланиш ҳавфи ошишида C/T ва T/T генотиплари ва Т алеллинининг аҳамияти юқорилигидан далолат бериши мумкин.

Шу билан бирга, тадқиқотнинг кейинги босқичида, РСнинг ривожланиш ҳавфи ошишида IL1 β (C3953T) ген полиморфизми бўйича С/Т ва Т/Т генотиплари ва Т алеллари ролининг аҳамиятни баҳолаш учун, барча гуруҳларда уларнинг тақсимланишидаги фарқлар ишончлилигини қиёсий таҳлили ўтказилди. РСли СМЛ беморларининг 1-асосий гуруҳида ўтказилган таҳлил, назорат гуруҳи билан солиштирилганда, Т алеллар частотаси деярли 1,3 мартага ошганини кўрсатди. Беморларда С/Т генотиплар частотасининг улуши унча кўп фарқ қилмади, Т/Т генотипларининг улуши эса 2,2 марта юқори бўлиб чиқди. Бирок, РСли СМЛли беморларнинг 1-асосий гуруҳида Т/Т мутант генотиби ва Т алелларини ташувчанлилик улушидаги фарқларнинг мавжудлигига қарамасдан, улар статистик жиҳатдан ишончли бўлмади. Шу билан бирга, олинган натижалар СМЛли асосий гуруҳ беморларида РСнинг ривожланиш ҳавфи ошишида IL1 β (C3953T) ген полиморфизми бўйича Т/Т генотиби ва Т алеллари томонидан тенденция мавжудлигидан далолат беради.

РСли СМЛли беморларнинг асосий 1А ва 1Б кичик гуруҳлари кесимида фарқларнинг қиёсий таҳлили ўзига хосликларга эга бўлди. Жумладан, ўткир РСли 1А кичик гуруҳ беморларида, назорат гуруҳи беморлари билан солиштирилганда Т алеллар 1,4 марта кўп учради, С/Т генотиби эса 1,25 марта кам қайд, Т/Т генотипининг улуши эса 3,21 марта кўпроқ қайд этилди. Аниқланган фарқлар ишончли бўлмасда, Т/Т генотиби ташувчанлик улушида ўткир РСнинг ривожланиш ҳавфи яққол намоён бўлган тенденцияси кузатилди. Назорат гуруҳи билан солиштирилганда, сурункали РСли 1Б кичик гуруҳ беморларида Т алелл 1,2 марта кўпроқ учради, С/Т генотиби эса 1,1 марта кўпроқ қайд этилди, Т/Т генотипининг улуши эса 1,35 марта кўп қайд этилди. Аниқланган фарқлар Т алелл ташувчанликда, шунингдек, С/Т ва Т/Т генотипларида фарқ статистик ишончли бўлмади, бу СМЛли беморларда сурункали РСни ривожланиш ҳавфида уларнинг аҳамиятли эмаслигидан далолат беради.

Ўткир ва сурункали РСли СМЛли беморларнинг 1А ва 1Б кичик гуруҳларида алелл ва генотип ташувчиларидаги фарқларнинг қиёсий таҳлили Т алелл алелллар, шунингдек С/Т ва Т/Т генотипларини частотаси тақсимланишида статистик аҳамиятли фарқлар мавжуд эмаслигини кўрсатди. Шу билан бирга таъкидлаш муҳимки, 1А кичик гуруҳ беморларида Т/Т мутант генотиби частотаси нисбий улушида аҳамиятли фарқларнинг қайд этилиши, ўткир РСнинг ривожланиш ҳавфи 2,4 марта ошганлигидан далолат беради.

РСли СМЛли 1-асосий гуруҳ беморларида аниқланган натижаларга ўхшаш ҳолат, РСли 2-гуруҳ беморларида ҳам кузатилди. Айнан, назорат гуруҳи билан солиштирилганда Т алелл 1,54 мартага, С/Т генотиплари 1,35 мартага ва Т/Т 2,03 мартага кўпроқ қайд этилди. Шундай қилиб, 2-чи гуруҳ беморларининг натижалари, Т алелл ва Т/Т генотиплари ташувчиларида РСнинг ривожланиш ҳавфи 1,5 ва 2,03 марта юқори бўлиш тенденцияси мавжудлигини кўрсатди.

РСли 2-гуруҳ беморларида С/Т ва Т/Т генотиплари, шунингдек, Т ноҳуш алелларининг фарқлари, ўткир ва сурункали РСли СМЛли беморларнинг 1А ва 1Б кичик гуруҳлари билан солиштирилганда, статистик ишончли бўлмади. Бунда ўткир ва сурункали РСли СМЛли 1А ва 1Б кичик гуруҳ беморларида Т алелл частотасидаги фарқлар 1 дан камни ташкил этди. Шунингдек, С/Т генотипига нисбатан фарқлар ҳам бирдан кичикни ташкил этди. Бунда 1А кичик гуруҳида Т/Т генотипини ташувчиси сезиларли равишда 1,6 мартага ошгани кузатилди, 1Б кичик гуруҳида эса у 1,45 мартага камайгани қайд этилди. Олинган маълумотлар, РСли СМЛли 1А ва 1Б кичик гуруҳлари беморлари ва 2 гуруҳ беморлари ўртасида IL1 β (C3953T) гени С/Т ва Т/Т генотиплари полиморфизми, шунингдек Т алелл ташувчиларида статистик аҳамиятли фарқларни мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Шундай қилиб, олинган натижалар IL1 β (C3953T) ген полиморфизми Т/Т генотиби ва Т алелл ташувчанлиги РСли беморларнинг 2-гуруҳида ва РСли СМЛли беморларининг 1-гуруҳида ҳам РСни ривожланиш ҳавфининг ортиш тенденцияси мавжудлигини тасдиқлайди. Бунда, IL1 β (C3953T) ген полиморфизмининг ушбу алелл ва генотиплари РСни ривожланишидаги ҳавфни ортишига олиб келувчи мустақил маркер сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас, бу ҳолат танланган беморлар сонига ва патологик жараён ривожланишида бир нечта генларнинг иштироки билан боғлиқ бўлиши мумкин.